

**САНЪАТШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017. San.51.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САНЪАТШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

**АРИПДЖАНОВ ОТАБЕК ЮСУПДЖАНОВИЧ**

**КУШОН БАҚТРИЯСИ СУЯКТАРОШЛИК САНЪАТИ**

**17.00.08 – Санъат назарияси ва тарихи**

**САНЪАТШУНОСЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ  
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation**

<b>Арипджанов Отабек Юсупджанович</b> Кушон Бактрияси суяктарошлик санъати .....	3
<b>Арипджанов Отабек Юсупджанович</b> Косторезное искусство кушанской Бактрии .....	23
<b>Aripdjanov Otabek Yusupdjanovich</b> Ivory and Bone Carving Art of Kushan Bactria.....	43
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works .....	47

**САНЪАТШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017. San.51.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САНЪАТШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

**АРИПДЖАНОВ ОТАБЕК ЮСУПДЖАНОВИЧ**

**КУШОН БАҚТРИЯСИ СУЯКТАРОШЛИК САНЪАТИ**

**17.00.08 – Санъат назарияси ва тарихи**

**САНЪАТШУНОСЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/San64 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Санъатшунослик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.fineartins.uz](http://www.fineartins.uz)) ҳамда «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ртвеладзе Эдвард Васильевич**  
тарих фанлари доктори, Ўзбекистон  
Республикаси Фанлар академияси академиги

**Расмий оппонентлар:**

**Лунева Валентина Витальевна**  
санъатшунослик фанлари доктори

**Алиева Зафара Жумабаевна**  
санъатшунослик фанлари номзоди

**Етакчи ташкилот:**

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон  
миллий университети**

Диссертация ҳимояси Санъатшунослик институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи 27.06.2017. Сан.51.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 2. Тел.: (99871) 239-46-67, факс: (99871) 239-17-71; e-mail: [siti1928@mail.ru](mailto:siti1928@mail.ru)).

Диссертация билан Санъатшунослик институти кутубхонасида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 2. Тел.: (99871) 239-46-67).

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_\_ - рақамли реестр баённомаси)

**А.А.Ҳакимов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, санъатшунослик фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, Ўзбекистон Бадий академияси академиги

**Н.Ғ.Каримова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, санъатшунослик фанлари доктори, катта илмий ходим

**Э.А.Мухторов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, санъатшунослик фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда қадимий санъат турлари асосида яратилган турли предметлар мажмуини ўрганиш, бевосита ноёб моддий ёдгорликлар сифатида уларни қайта тиклаш долзарб тус олмоқда. Бугунги кунда қадимий суяктарошлик санъати турига оид тадқиқотлар асосида соҳага оид илмий ишланмаларни яратиш долзарб муаммолардан саналади. Ҳозирда Бактрия маданиятининг ўзига хос бадий хусусиятларини мужассамлаштирган суяктарошлик санъатининг тадрижий ривожланишини археологик топилмалар асосида аниқлаш зарурати намоён бўлмоқда.

Дунёнинг бир қатор илмий тадқиқот марказлари томонидан ташкил этилган археологик экспедициялар негизида Кушонлар даври қадимий санъатига оид топилмаларни санъатшунослик ва археология фанлари кесимида тадқиқ этиш, мавжуд илмий хулосаларни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бактрия худудига оид суяктарошлик санъати буюмлари тадқиқи бу борадаги илк қадамлардан саналади. Бугунги кунда эллин, ҳинд ва кўчманчилар анъаналарининг уйғунлашуви ҳамда ўзаро таъсирини таҳлил этиш соҳа мутахассисларининг диққат марказидаги энг муҳим вазифалари сирасига кирмоқда. Шунингдек, органик материаллардан ясалган суяктарошлик буюмларига оид тадқиқотлар тор доирада ўрганилганлиги билан долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистонда суяктарошлик санъатини тадқиқ этиш унинг қадимги санъат тури сифатида ривожланиш омиллари ва бадий хусусиятларини аниқлаш имконини беради. Бу эса ҳозирда тикланиши зарур бўлган суяк ўймакорлигининг технологик услублари ва хусусиятларини тиклашда муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Зеро, «мамлакатимиз ўзининг бой бадий мероси билан жаҳон санъати ва маданияти ривожига катта ҳисса қўшган қадимий цивилизация ўчоғи сифатида миллий бадий анъаналарнинг ўзига хослигини сақлаб келаётгани дунёнинг етакчи санъат мутахассислари томонидан эътироф этилган»<sup>1</sup>. Бу борада антик давр суяктарошлик санъатига оид хомашё ва буюмларнинг асосий турларини яшаш технологиясини аниқлаш археологик материалларни мутлақо янги кўринишда талқин қилиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 31 майдаги 3022-сон «Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори, 2018 йил 16 январдаги 5181-сон «Моддий ва археологик мерос объектларини сақлаш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги ПҚ-3219-сон «Ўзбекистон Бадий академияси фаолиятини ривожлантириш ва янада такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори // Халқ сўзи. – 2017 йил, 17 август.

19 декабрдаги ПҚ-4068-сон «Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бактриянинг қушонлар даври суяктарошлик санъати буюмлари тадқиқи бир қатор таниқли олимларнинг изланишларида ўз аксини топган. Жумладан, улар санъатшунослик нуқтаи назаридан Г.А. Пугаченкова, Б.А. Литвинский, В.В. Лунёва, Дж.Я. Ильясов, В.П. Никоноров, Л. Неру, Ш. Механдали асарларида<sup>2</sup>; тарихий-археологик жиҳатдан – Э.В. Ртвеладзе, Л.И. Альбаум, А.М. Мандельштам, Б.А. Литвинский, В.А. Завьялов, Ж. Фуссман, Ш.Р. Пидаев, И.Т. Кругликова, А.В. Седов ва бошқа тадқиқотчиларнинг изланишларида<sup>3</sup>; техник-технологик нуқтаи назардан – Б.Г. Петерс, В.Е. Радзиевская, Н.И. Сокольский, А. МакГрегор, А. Ст-Клер, О. Кшишковская асарларида тадқиқ қилинган<sup>4</sup>.

<sup>2</sup> Пугаченкова Г. А., Ремпель Л. И. Очерки искусства Средней Азии. Древность и средневековье. – М., 1982. – С. 267–276; Литвинский Б. А. Храм Окса в Бактрии (Южный Таджикистан). Искусство, художественное ремесло, музыкальные инструменты. Том 3. – М., 2010. – С. 358-392; Лунёва В. Ювелирное искусство Северной Бактрии (I в. до н. э. – IV в. н. э.). – Т., 2005. – С. 61–65, 81, 83; Ильясов Дж. Произведения прикладного искусства из Кушанской Бактрии // San'at. Вып. 3. – Ташкент, 2016. – С. 18. – Рис. 5–6; Никоноров В. Уникальный гребень из Кампыртепа // МТЭ. Вып. 1. – Ташкент, 2000. – С. 131–137. – Рис. 2; Nehru L. A Fresh Look at the Bone and Ivory Carving from Begram // Silk Road and Archaeology. No. 10. –Japan, 2004. – P. 97–150; Mehendale S. Begram Ivory and Bone Carvings. [http://ecai.org/begramweb/docs/BegramChapter4\\_2.htm](http://ecai.org/begramweb/docs/BegramChapter4_2.htm)

<sup>3</sup> Пугаченкова Г. А., Ртвеладзе Э. В. и др. Дальверзинтепа. Кушанский город на юге Узбекистана. – Ташкент, 1978. – С. 39, 59, 60-61, 101, 108, 110, 111, 136–137. – Рис. 8, 9, 21, 36.8-9, 79-10,11, 97; Альбаум Л. И. Балалык-тепа. – Ташкент, 1960. – С. 52. Рис. 33; Мандельштам А. М. Кочевники на пути в Индию. – М.–Л., 1966. – С. 28–29, 114–115. Табл. XLVI. Рис. 12; Литвинский Б. А. Бактрийцы на охоте // ЗВОРАО. Новая серия. Т. I (XXVI). – СПб., 2002. – С. 181–213; Завьялов В. А. Костяные предметы туалета из памятников Средней Азии кушанского и посткушанского времени // КСИА. Вып. 209. – М., 1993. – С. 31–41; Fussman G., Guillaume O. Surkh Kotal en Bactriane. Les Monnaies les Petits Objets. Volume II. – Paris, 1990. – P. 120. Pl. 5, No. 217–218; Пидаев Ш. Р. Поселения кушанского времени Северной Бактрии. – Ташкент, 1978. – С. 80. – Рис. 27; Кругликова И. Т. Раскопки западного храма в Дильберджине (Афганистан) в 1974–1977 гг. // ПИФК. Вып. VII. – Москва-Магнитогорск, 1999. – С. 8. Рис. 12,6, 15,1; Седов А. В. Работы Шаартузского отряда в 1976 г. // АРТ. Вып. XVI. (1976 г.). – Душанбе, 1982. – С. 90. Рис. 2/18, 21.

<sup>4</sup> Петерс Б. Г. Косторезное дело в античных государствах Северного Причерномья. – М., 1986. – 192 с; Радзиевская В. Е., Шрамко Б. А. Усадьба с косторезной мастерской на Бельском городище // СА. № 4. – М., 1980. – С. 188. Рис. 3, 3, 4, 8; Сокольский Н. И. Деревообрабатывающее ремесло в античных государствах Северного Причерноморья. – М., 1971. – С. 181–184; MacGregor A. Bone, Antler, Ivory, and Horn: The Technology of Skeletal Material Since the Roman Period. – London and Totowa, NJ. 1985. – 258 p; Archer St. Clair. Carving as craft. Palatine East and the Greco- Roman. Bone and ivory carving tradition. The Johns Hopkins University press. – Baltimore and London, 2003. – 244 p; Krzyszkowska O.H. Ivory and Related Materials. An Illustrated Guide. Bulletin Supplement 59. Institute of Classical Studies, 1990. – 109 p.

Ҳозирги кунда Бактриянинг кушонлар даври суяктарошлик санъати бўйича асосий манба – у ерларда XX асрнинг бошидан қазилма ишлари олиб борилаётган қадимий шаҳарлар, аҳоли яшаш манзиллари, ибодатхоналар, мазор ва қўрғонлардан топилган материаллар ҳисобланади. Илмий материаллар ва суякка оид топилмалар шундан далолат берадики, XX асрнинг 30-йилларидан 80-йилларнинг охиригача асосан материални йиғиш ва жамлаш ишлари олиб борилган, камдан-кам ҳолларда, юқори бадий кийматга эга топилмалар синчковлик билан ўрганилган ва кўплаб нашрларда бу тадқиқотлар чоп этилган. Айнан шу йилларда Бактриянинг бутун ҳудудида, айниқса, унинг шимолий қисмида кенг кўламли археологик тадқиқотлар олиб борилган. Мазкур иш доирасида антик даврдаги Бактрия ҳудуди алоҳида ўрин эгаллаган комплекс археологик экспедицияларнинг илмий ишлари аҳамиятини алоҳида ажратиш зарур. Илк бор суяктарошлик санъатининг юксак бадий намуналарини таҳлил қилиш билан боғлиқ масалалар Г.А.Пугаченкова ва Л.И.Ремпель томонидан белгилаб берилган<sup>5</sup>. 1990-йилларга келиб, Марказий Осиё ҳудудидан топилган суяк тўғноғичлари В.А.Завьялов, С.Я.Берзина ва бошқа тадқиқотчилар томонидан ўрганила бошланди. Бу борада В.В.Лунева ва Дж.Я.Ильясовларнинг илмий ишларини алоҳида таъкидлаш лозим, чунки уларда суяктарошлик санъати буюмларининг бадий жиҳатлари тадқиқига доир муҳим маълумотлар берилган.

Аммо Бактриянинг Кушонлар даври суяктарошлик санъатига бевосита алоқадор бўлган ихтисослаштирилган ва умумлаштирувчи ишларнинг мавжуд эмаслиги, бевосита унинг ривожланиши, эволюцияси, турли маданиятлар таъсири, ишлаб чиқариш технологиялари билан боғлиқ умумий манзарани, шунингдек, Бактрия ўймакор суяктарошлик санъати услуби, рамзлари ва характери каби бадий ўзига хосликларини тасаввур қилиш имконини бермайди. Шу мақсадда Бактриянинг Кушонлар даври суяктарошлик санъатини ўрганиш имконини яратувчи материаллар тўпланди ва таснифланди.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси ФА Санъатшунослик институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ФА-Ф-1-012 «Ўзбекистоннинг қадимги давлатлари санъати ва меъморчилиги: Маҳаллий мактаблар ва бадий услублар ўзига хослигининг шаклланиши» мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Бактриянинг Кушонлар даври қадимги суяктарошлик санъатининг технологик жараёнлари, услублари ҳамда суяк ўймакорлиги мактабининг ўзига хос хусусиятлари ва асосий жиҳатларини аниқлашдан иборат.

---

<sup>5</sup> Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. Очерки искусства Средней Азии. Древность и средневековье. – М., 1982. – С. 267-276.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Бақтрия худудидаги Кушонлар даврига оид археологик ёдгорликлардан топилган суяктарошлик санъати буюмларини аниқлаш;

суяктарошлик санъати буюмларини яратишда қўлланилган хомашёлар турлари тавсифи ва уларга амалий ишлов бериш усулларини тадқиқ қилиш;

ишлаб чиқариш технологияси тажрибалари асосида суяктарошлик санъати буюмларини яшашдаги услубий жараёнларни реконструкция назариясини илмий ишлаб чиқиш;

суяктарошлик буюмларининг функционал вазифалари ва уларни қўлланилишига кўра таснифлаш ва тавсифлаш;

ушбу санъат турига оид геометрик, ўсимликсимон, антропоморф ва зооморф шакллар, белгилар хусусиятларини тадқиқ этиш орқали бадий образлар семантикасини таҳлил этиш;

суяктарошлик санъатининг Бақтрия мактабига оид хусусиятларини ва унинг маҳаллий ўзига хос жиҳатларини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Кушон Бақтрияси суяктарошлик санъати белгиланди (эрамиздан аввалги I аср – эрамизнинг III асри).

**Тадқиқотнинг предмети** Кушон Бақтрияси давридаги суяктарошлик санъатининг шаклланиш ва ривожланиш жараёнлари, суякдан ясалган буюмларнинг хомашё базаси, ишлов бериш технологияси ва ўзига хос бадий хусусиятлари, Бақтрия суяктарошлик санъатининг ўзига хослиги ва унинг бошқа тарихий-маданий минтақалар билан алоқасини ўрганишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишининг назарий-методологик асоси сифатида санъатшунослик илмининг даврий, таснифий, тизимли-тавсифий, қиёсий-типологик таҳлили фанлараро – археология ва санъатшунослик кесимига оид тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

археологик қазишмалар асосида топилган моддий ашёлар негизида Бақтрия суяк ўймакорлиги буюмларига (тақинчоқлар, соч тўғноғичлари, тароқлар, тўқалар, урчуқлар, ҳайкалчалар) оид шакл ва турлар типологияси далилланган;

Кушон Бақтрияси суяктарошлигининг семантик ва бадий зооморф, антропоморф, ўсимликсимон ва геометрик нақшлар хусусиятлари ҳинд, юнон-рум ҳамда кўчманчилар маданиятининг ўзаро таъсири асосида шаклланиши аниқланган;

антик давр Бақтрия суяктарошлигига оид буюмларга ишлов бериш изчиллиги ва моддий-маиший ашёларни яшаш технологияси тикланган;

Кушон Бақтрияси суяк ўймакорлигининг ўзига хос локал кўриниши (органик хомашё базаси, техник-технологик, яшаш ва ишлов бериш усуллари, буюмлар турлари, декоратив безаклари ва семантик хусусиятлари) археологик топилмалар асосида далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Мазкур диссертацияда Республика йирик илмий-тадқиқот муассасаларида (ЎзР ФА Ўзбекистон тарихи давлат музейи, ЎзР ФА Санъатшунослик институти) ва хорижда (Тожикистон миллий қадимги музейи, Давлат Эрмитажи, Россия) сақланаётган суякдан ясалган буюмлар тадқиқ этилган бўлиб, улар замонавий давр тадқиқотчилари томонидан янада чуқурроқ ўрганилишида муҳим илмий манба вазифасини бажаради;

суяктарошлик санъати буюмларини ўрганиш, бошқа тарихий-маданий ҳудудлардаги турдош намуналар билан таққослаш натижасида суякдан ишланган буюмларни экспериментал тажрибалар асосида реконструкция қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммонинг аниқ қўйилгани, ишлаб чиқилган хулосаларнинг таснифий, қиёсий-типологик таҳлил каби усуллар билан асослангани, Кушонлар даври суяктарошлик санъатига оид манбалар (археологик топилмалар, музей ва коллекция экспонатлари, илмий адабиётлар)га таянилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг *илмий* аҳамияти Бактриянинг Кушонлар даври суяктарошлик санъати билан боғлиқ предметларни тадқиқ этиш, тарихий-бадий жиҳатлари тавсифини оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг *амалий* аҳамияти шундаки, санъатшунослик ва археология фанлари кесимидаги маърузаларни такомиллаштиришда илмий манба сифатида фойдаланиш мумкин, ҳамда ўрганилган даврга оид суяктарошлик буюмларига илмий паспортлар ёзиш, электрон маълумотлар базасини яратишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бактриянинг кушон даври суяктарошлик санъатининг шаклланиши ва ривожланишига оид ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

Бактрия суяктарошлик санъати мактабининг бошқа тарихий-маданий ҳудудлар билан интеграцион алоқалари ва услублар негизидаги ўзаро таъсирланувининг мавжудлигига қарамай эклектик чегараланиш асносида мустақил ривожланиб боргани, турли кундалик ашёлар, декоратив безаклар таҳлили, нақшлар тасвиридаги рамзийлик семантикаси асосида ҳинд, юнон-рум ва кўчманчилар маданияти билан узвий алоқалари, этномаданий, услубий ҳамда бадий хусусиятлари ёритилган илмий хулосалардан Ўзбекистон тарихи давлат музейининг «Ўзбекистон худудида давлатчиликнинг шаклланиши ва ривожланиши. Эрамиздан аввалги I аср – эрамизнинг IV асри» экспозициясининг «Антик давр тарихи» бўлимини такомиллаштиришда, 2018 йилда чоп этилган «Ўзбекистон маданияти ёдгорликлари хазинаси» каталогини тайёрлашда ҳамда «Ўзбекистон Буюк Ипак Йўли чорраҳаларида» номли кўрғазмани ташкил этишда кенг фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2017 йил 7 декабрдаги 3/1255-2583-сонли далолатномаси). Натижада илмий

маълумотлар асосида суяктарошлик буюмлари турларга ажратилиб, улардан ашёларни фотофиксациялаш, атрибуциялаш ва музейлаштиришда кенг фойдаланилди;

Бақтрия суяк ўймакорлигига оид буюмларнинг функционал вазифалари, уларнинг шакл ва турлари таснифи, аҳоли маиший ҳаёт тарзидаги ўзгаришлар ривожини билан боғлиқ ҳолда такомиллашгани, суяктарошлик буюмларини ясашда пичоқ, кескич, арра, искана, токарлик дастгоҳидан фойдаланилгани ҳақидаги илмий хулосалардан эллинизм даврининг энг йирик археологик ёдгорликларидан бири бўлган Тахтисангин шаҳар харобаларидан (Жанубий Тожикистон) топилган суяктарошлик санъати буюмларининг хомашё базасини аниқлаш, ўймакорлик технологияларини ўрганиш, уларнинг вазифалари, қўлланилишига кўра классификациялашда ҳамда декоратив безакларни таҳлил этишда фойдаланилган (Германия Археология институти Евросиё бўлими далолатномаси, 18 август 2019 йил, Германия, Берлин). Ушбу натижалар Марказий Осиё антик даврдаги фил ва ҳайвон суякларидан ясалган топилмаларга оид аниқ илмий-амалий фактларни тизимли ўрганишда хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация натижалари 8 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 5 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 17 та илмий иш нашр этилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика, 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 161 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги асосланиб, даврий чегараси, ўрганилиш даражаси, мақсад ва вазифалари, тадқиқотнинг объекти ва предмети ёритилган, муаммога оид манбалар таҳлил қилинган, тадқиқот методлари асосланган, мавзунинг илмий янгилиги, натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар, тадқиқот апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, таркибий тузилиши тавсифланган.

Диссертациянинг **«Бақтриянинг Кушонлар даври суяктарошлик санъатини ўрганиш тарихи»** деб номланган биринчи боби иккита параграфдан иборат бўлиб, унда XX асрнинг 30-йилларидан XXI аср бошларигача бўлган даврга оид ушбу тадқиқот мавзуси билан боғлиқ илмий

изланишлар, шунингдек, уларнинг илмий адабиётларда ёритилиши таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «1930–1980 йиллардаги археологик ва санъатшунослик экспедициялари материаллари асосида суякдан ишланган буюмларни ўрганиш тажрибасидан» деб номланган биринчи бўлимда комплекс археологик экспедицияларда топилган айрим суяктарошлик предметларига қисқача тавсиф берилган. Илмий адабиётлар ва топилмаларнинг таҳлили шундан далолат берадики, ўтган асрнинг 1930–1980 йилларида фақат материалларни топиш ва тўплаш ишлари амалга оширилган. Бадиий маҳорат билан яратилган ва илмий мақолаларда батафсил акс эттирилган айрим буюмлар бундан мустасно.

Археологик қазималар натижасида олинган материаллар Бактрия ҳудудидаги антик даврга оид суяктарошлик санъати бўйича асосий манба ҳисобланади. Жумладан, XX асрнинг 30–йилларида М.Е. Массон раҳбарлик қилган Термиз Археологик комплекс экспедицияси (ТАКЭ) биринчи марта Кўҳна Термиз шаҳристонида суяк ва шохлардан ясалган буюмларни топган. XX асрнинг иккинчи ярмидан Бактриянинг тарихи ва маданиятини ўрганиш бўйича кенг кўламли археологик ишлар бошланади. 1950-1970 йилларда ЎЗР ФА Археологик тадқиқотлар институти томонидан антик даврга оид ёдгорликлар, хусусан, Кўҳна Термиз, Зартепа, Хайрободтепа, Оққўрғон ва бошқа жойлар ўрганиб чиқилган ва олиб борилган қазималар жараёнида суякдан ясалган буюмлар топилган<sup>6</sup>.

ЎЗР ФА Санъатшунослик институтининг Г.А. Пугаченкова раҳбарлигидаги «Ўзбекистон санъатшунослик комплекс экспедицияси» (ЎзСанЭ) XX асрнинг 1960-йилларидан асосий қазилма ишларини Ўзбекистоннинг жанубий қисмида олиб борди. Натижада, Далварзинтепа шаҳристонида суяктарошлик санъатининг ноёб намуналари (тароқ ва сюжет ўйилган ўйин донаси, хўкиз ва фил тасвири туширилган шахмат доналари, хонтахта оёқлари фрагментлари ва бошқа турдаги маиший ва заргарлик анжомлари) топилди<sup>7</sup>.

Суяктарошлик санъатига оид материалларни тўплашда Совет-Афғон археологик экспедициясининг XX асрнинг 70-йилларида олиб борилган изланишлари муҳим аҳамиятга эгадир. Унинг иштирокчилари Емшиттепа, Жиғаттепа, Дилбаржин ёдгорликларида қазилма ишларини олиб борган<sup>8</sup>,

<sup>6</sup> Щетенко А. Я. Раскопки монументального архитектурного комплекса Зар-Тепа // Древняя Бактрия. Предварительные сообщения об археологических работах на юге Узбекистана. – М., 1974. – С. 46. Рис. 4,10; Завьялов В. А., Осипов В. И. Раскопки жилого комплекса на городище Зар-тепа в 1973 г. // Бактрийские древности. Предварительные сообщения об археологических работах на юге Узбекистана. – Л., 1976. – С. 58. Рис. 3,9, 3,10; Жуков В. Д. Археологическая разведка на шахристане Хайрабад-тепа // ИМКУ. Вып. 2. – Ташкент, 1961. – С. 186; Пидаев Ш. Р. Поселения кушанского времени Северной Бактрии. – Ташкент, 1978. – С. 80. Рис. 27; Альбаум Л. И. Балалык-тепа. – Ташкент, 1960. – С. 52. Рис. 33.

<sup>7</sup> Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В., и др. Дальверзинтепа. Кушанский город на юге Узбекистана. – Ташкент, 1978. С. 39, 59, 60-61, 101, 108, 110, 111, 136-137. Рис. 8, 9, 21, 36.8-9, 79-10, 11, 97.

<sup>8</sup> Кругликова И.Т. Раскопки западного храма в Дильберджине (Афганистан) в 1974-1977 гг. // ПИФК. Вып. VII. Москва–Магнитогорск, 1999. Рис. 12,6, 15,1. С. 8; Кругликова И.Т. Цитадель Дильберджина // ПИФК. Вып. X. – Москва–Магнитогорск, 2001. Рис. 10-11, 38,1, 8, 9. С. 316, 345; Пугаченкова Г.А. Жиға-тепе

шунингдек Афғонистондаги француз археологик делегацияси Сурх-Хутал<sup>9</sup> ва Ой-Хонум<sup>10</sup> ёдгорликларини тадқиқ қилган, Чақалоқтепа<sup>11</sup> ва Дўрмонтепада<sup>12</sup> тадқиқот олиб борган япониялик олимлар томонидан суяк, фил суяги ва шохдан ясалган кўп сонли суяктарошлик буюмлари топилган.

1972 йилдан 1991 йилгача бўлган даврда Б.А. Литвинский раҳбарлигидаги Жанубий Тожикистон археологик экспедиция аъзолари антик давр Шимолий Бактриясининг Ажинатепа, Тахтисангин, Тепаишоҳ каби ёдгорликларида, шунингдек Бешкент водийси қабристонларида қазилмаларни олиб борган. Тахтисангинда топилган кўп сонли суяктарошлик намуналари орасида бир қатор юксак бадий маҳорат билан яратилган буюмлар, жумладан, грифон протомаси шаклидаги ханжар дастаси, акинак сопи, ритон фрагменти, фигуралар, сюжетли тасвирли панно ва пластиналар, найлар, тароқ, фил суяги ва суякдан ясалган тароқлар бор.

**«Бактриянинг Кушонлар даври суяктарошлик санъатини ҳақида (XX аср сўнги – XXI аср бошлари)»** деб номланган биринчи бобнинг иккинчи параграфида диссертация мавзуси бўйича тадқиқотлар шарҳи келтирилган, бунда тўпланган материаллар тизимлаштирилган ва таҳлил қилинган.

XX асрнинг 90-йиллар охирида академик Э.В. Ртвеладзе ташкил қилган ва кўп йиллардан буён бошчилик қилиб келаётган «Тохаристон археологик экспедицияси» (ТАЭ) ҳудуд тарихи ва маданиятини ўрганишга катта ҳисса қўшган. Экспедициянинг асосий тадқиқот ишлари олиб борилган Кампиртепа шаҳристонидан суяктарошлик санъатининг кўп сонли намуналари топилган ва улар ҳақидаги материаллар даврий матбуотда чоп этилган. Мавзу доирасидаги В.В. Лунева<sup>13</sup> ҳамда Дж.Я. Ильясов<sup>14</sup> илмий ишларини алоҳида қайд қилиш зарур. Улар ўз тадқиқотларида суяктарошлик санъати буюмларини заргарлик иши нуқтаи назаридан тадқиқ қилган.

В.А. Завьяловнинг «Кушонлар даври ва Кушонлардан кейинги давр Ўрта Осиё ёдгорликларида суякдан ясалган маиший буюмлар»<sup>15</sup> ва

---

(раскопки 1974 г.) // Древняя Бактрия. Материалы Советско-Афганской археологической экспедиции. Вып. 2. – М., 1979. С. 87. Рис. 11. 4-5.

<sup>9</sup> Gérard Fussman, Olivier Guillaume. Surkh Kotal en Bactriane. Les Monnaies les Petits Objets. Volume II. – Paris, 1990. P. 120. Pl. 5, No. 217-218.

<sup>10</sup> Gérard Fussman, Olivier Guillaume. Surkh Kotal en Bactriane. Les Monnaies les Petits Objets. Volume II. Paris, 1990. P. 120. Pl. 5, No. 217; Francfort Henri-Paul. Fouilles d’Aï Khanoum. III. Le Sanctuaire du Temple à Niches Indentées. 2. Les trouvailles. – Paris, 1984. P. 14. Pl. VI, No. 9, 13, 29, 37, 38, 40, 42, 43

<sup>11</sup> Mizuno E.S. Chaqalaq Tepe. Fortified Village in Northern Afghanistan. Excavated in 1964-1967. – Kyoto, 1970. P. 24. Fig. 60. Pl. 56:3.

<sup>12</sup> Mizuno E.S. Durman Tepe and Lalma. Buddhist Site in Afghanistan in 1963-1965. – Kyoto, 1968. Pl. 12: 14.

<sup>13</sup> Лунева В. Ювелирное искусство Северной Бактрии (I в. до н.э. – IV в.н.э.). – Ташкент, 2005. С. 61-65, 81, 83.

<sup>14</sup> Ильясов Дж.Я., Каниут К., Грубер М. Тахтисангинские пластины – шкатулка или поясной набор? // Последний энциклопедист. К юбилею со дня рождения Б.А.Литвинского. – М. 2013. С. 189; Ильясов Дж. Произведения прикладного искусства из Кушанской Бактрии. Санъат. – Ташкент, 2016. Вып. 3. С. 18. Рис. 5-6.

<sup>15</sup> Завьялов В.А. Костяные предметы туалета из памятников Средней Азии кушанского и посткушанского времени // КСИА. Вып. 209. М., 1993. С. 31-41.

С.Я. Берзинанинг «Марказий Осиёда копт суяк буюмлари»<sup>16</sup> тадқиқотига оид мақолалари Марказий Осиё ҳудудида топилган суякдан ясалган соч тўғноғичларини ўрганишга бағишланган. Хусусан, В.А. Завьялов Ўрта Осиё ҳудудида топилган барча соч тўғноғичлари маҳаллий ишлаб чиқариш маҳсулотлари, деган фикрни билдирса, С.Я. Берзина эса уларни Мисрдан олиб келишган, ёки улар Коптск соч тўғноғичларига тақлид қилиб ясалган деб хулоса беради.

Суяктарошлик санъати бўйича изланишлар хорижий тадқиқотчилар ишларида ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, Лолита Неру ўз ишларида Кушонлар даври Бақтрияси суяктарошлик буюмларида сюжетли тасвирлар мавзуси ақс этган Бақтриядан топилган ашёларни Баграм ва Ҳиндистонда топилган буюмлар билан таққослар экан, Бақтрия ўймакорлик мактаби мустақил равишда қўшни тарихий-маданий вилоятлар таъсири остида шаклланган, деган хулосага келади<sup>17</sup>. Ш. Механдали ўз тадқиқот ишларини асосан кушон санъатининг йирик марказларидан бўлган Беграмнинг суяк ўймакорлиги буюмларига қаратган<sup>18</sup>.

Умуман олганда, шуни таъкидлаш мумкинки, юқорида санаб ўтилган илмий ишлар умумий характердаги тадқиқотлар ва алоҳида предметларни таърифлашга оид саволлар билан боғлиқ бўлган. Уларда антик давр суяктарошлик санъатини, унинг хомашё базасини комплекс ўрганиш, уларнинг типологик таснифини, ривожланиш босқичларини аниқлаш, топилмаларни яшаш жараёнини реконструкция қилиш, шунингдек турли маданиятлар таъсири аниқлаш масалалари қўйилмаган. Бундан ташқари, сўнгги чорак аср мобайнида ушбу ҳудудда олиб борилган археологик қазишмалар натижасида кўп сонли янги фактологик материаллар тўпланди. Натижада уларни илмий муомалага киритиш, ушбу маълумотларни умумлаштириш ва илмий таҳлилини амалга ошириш имконияти пайдо бўлди.

Хомашё базаси ва ишлаб чиқариш технологиясини ўрганиш Кушонлар даври Бақтрия суяктарошлик санъатини тадқиқ қилиш жараёнидаги энг муҳим вазифалардан биридир. Ҳайвонлар анатомиясини батафсил тушуниш ва хомашё базасини ўрганиш умуман суякдан, ва хусусан, фил суягидан ясалган буюмларни таҳлил қилиш ва шарҳлашда фундаментал аҳамията эга.

Ушбу масалаларни ўрганиш натижалари диссертациянинг **«Суяктарошлик санъатининг хомашё базаси ва ишлаб чиқариш технологияси»** деб номланган иккинчи бобида баён этилган. Боб иккита параграф: «Суяк ва турли ҳайвонлар шохи, шунингдек фил суяги» ва «Суяктарошлик санъати буюмларини ишлаб чиқариш ва уларга бадиий ишлов бериш технологияси»дан ташкил топган.

<sup>16</sup> Берзина С.Я. Коптские костяные изделия в Центральной Азии // Восток – Запад: Диалог культур и цивилизации Евразии. Проблемы древней и средневековой истории и археологии. – Уфа, 2007. С. 65-81.

<sup>17</sup> Nehru L. A Fresh Look at the Bone and Ivory Carving from Begram // Silk Road and Archaeology. No. 10, – Kamakura, 2004. P. 101-103.

<sup>18</sup> Mehendale S. Begram Ivory and Bone Carvings <http://ecai.org/begramweb/>

Ҳайвонлар суяклари, шу жумладан, фил суяги, шох, кийик шохи ўз таркиби ва қаттиқлигига кўра фарқланади, аммо илмий адабиётларда биз кўпинча уларнинг ноаниқ таърифларини учратамиз, чунки фил суягини баъзан суяк деб, ёки аксинча таърифлашади. Бунга, асосан, суякдан ясалган соч тўғноғичлари, ўйналадиган ошиқлар, қискичлар, пиксидлар, найлар ва б. киради.

Антик даврда Бактрия ҳудудида чорвадорлик яхши ривожланган бўлиб, суяк (от, эшак, туя, қўй ва бузоқлар суяги)<sup>19</sup> энг кенг тарқалган материал бўлган. Осонлик билан йўниш мумкин бўлган ушбу материалдан турли маиший-рўзғор буюмлари, қуроллар (пиксидалар, туморлар, тўғноғичлар, тароқлар, тугмалар, игналар, пичоқ ва қилич дасталари ва б.) ясалган.

Антик давр Бактрияси ёдгорликлари, айниқса, Кушонлар даври қатламларидан топилган суяктарошлик санъати буюмларини ўрганиш шундай хулосага олиб келдики, топилмаларнинг асосий қисми найчасимон суякдан ясалган. Бактриялик суяктарош усталар суяк хомашёсининг хусусиятлари ва техникасини бошқа материаллардан кўра яхши билган ҳолда асосан йирик туёқли ҳайвонларнинг найсимон суякларидан фойдаланган.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, суякнинг тўрсимон қисми камдан-кам ҳолларда қўлланилган. Асосан силлиқлаш ёки сиртга ишлов бериш асбоби сифатида фойдаланилган<sup>20</sup>. Асосан найсимон суяклар ишлатилган, чунки улар зарурий хусусиятларга эга бўлган. Усталар найсимон суякларни бўлажак маҳсулотнинг шакл ва кўринишига қараб танлаган.

Кузатувлар асосида суякдан ясалган буюмлар фил суягидан ясалган буюмларга нисбатан емирилиш жараёнига тезроқ учраши аниқланди. Буни уларнинг ишлов берилган юзасида адсорбция натижасида емирилишдан ҳимоялайдиган ўзгача физик-кимёвий таркибга эга юпқа парда ҳосил қилиши билан изохлаш мумкин.

Юқори бадий қийматга эга маиший буюмлар ва қуролларни яшашда бактриялик усталар кенг кўламда фил суягидан фойдаланган. Ой-Хоним, Тахтисангин, Далварзинтепа ва бошқа ёдгорликлардан топилган материалларнинг кенг кўлами шундай хулосага келиш имконини берадики, усталар суяк ўймакорлиги бўйича зарур кўникмаларга эга бўлган, шунингдек унинг афзал хусусиятларидан хабардор бўлган.

Кийик шохи Марказий Осиё аҳолисида қадимдан, аниқроғи – палеолит давридан таниш бўлган. Ушбу хомашёдан ясалган маиший ашёлар – пичоқлар дастаси ва бошқа буюмлар Кушонлар даври Бактриясининг турли ёдгорликларида топилган.

Бухоро кийиги – *Cervus Elaphus Bactrianus*, Амударё ҳавзаси, Шарқий

<sup>19</sup> Shaked Sh. Le satrape de Bactriane et son gouverneur. Documents araméens du IVe s. avant notre ère provenant de Bactriane (Persika 4). – Paris, 2004. P. 33, 40; Naveh J., Shaked Sh. The Khalili Collection. Ancient Aramaic Documents from Bactria (Fourth Century BCE.). – London, 2012. P. 17, 25, 30.

<sup>20</sup> Арипджанов О.Ю. Кость – как основное сырье в косторезном деле Бактрии в античный период // Моддий-маънавий мерос ва умумбашарий кадриятлар. Республика илмий амалий анжумани (мақолалар тўплами). – Ташкент, 2016. С. 153.

Туркменистон, Ғарбий ва Жанубий Ўзбекистон, Жанубий Тожикистон ва Шимолий Афғонистон ҳудудида яшайдиган қизил кийик (*Cervus Elaphus Linnaeus*) турларидан бири ҳисобланади <sup>21</sup>. Кийик шохи мураккаб буралганлиги ва тармоқланган шаклга эгаллиги ундан ясаладиган маҳсулотнинг конфигурациясини белгилайди.

Шунингдек, суяктарошликда бошқа жониворларнинг шохлари, масалан сув тулпори ва қобон тишлари, каркидон шохи кенг фойдаланилган. Бактрия ҳудудида сув тулпори тишлари ва каркидон шохидан фойдаланиш ҳақида мулоҳаза юритиш мушкул, зеро, бу масала ҳанузгача ўрганилмаган.

Ушбу бобнинг иккинчи бўлими «**Суяктарошлик санъати буюмларини ишлаб чиқариш ва уларга бадий ишлов бериш технологияси**»да, хом ашё базасини ва суяк ўймакорлиги учун турли хил асбоблардан фойдаланиш жараёнлари бўйича тадқиқотлар келтирилган. Бактриянинг Кушонлар даври суяктарошлик ашёларининг таҳлили бу ерда пичоқ, кескич, эгов, арра, махсус дастгоҳ ва бошқа асбоблардан фойдаланилганлигидан далолат беради. Усталар томонидан бунчалик хилма-хил асбоблардан фойдаланиш уларни ҳунармандларнинг алоҳида тоифасига киритиш имконини беради.

Ой-Хоним, Тахтисангин, Таксила каби ёдгорликлардан топилган буюмлар антик давр суяктарошлик ишида қўлланилиши мумкин бўлган асбоблар ҳақида тасаввур беради. Шунини таъкидлаш керакки, барча металл асбоблар турли-туман – болталарнинг ҳар хил турлари, новтеша, искана ва стамескалар, пичоқлар, арралар, ўлчагичлар, циркуллар, омбирлар ва пинцетлардир.

Суяктарошликда шунингдек ўймакорлик асбобларидан (искана, стамеска, кескич, бигиз) ҳам фойдаланилган. Бу ҳақдаги муҳим маълумотлар Ой-Хонум <sup>22</sup> ва Таксила <sup>23</sup> шахристонидан топилган исканалар мисолида кўриш мумкин. Масалан Ой-Хонимда <sup>24</sup> олиб борилган археологик қазилмаларда иккита темир бигиз топилди. Пичоқлар эса турли шаклда бўлган. Жумладан, скифлар суяк билан ишлаганда усти қайрилган пичоқлардан фойдаланган <sup>25</sup>. Капарас қалъасидаги суяктарошлик устахонасидан еттита темир дастали пичоқ топилган <sup>26</sup>.

Суяктарошлар фойдаланадиган асосий асбобларга арралар ҳам кирган.

---

<sup>21</sup> Ишунин Г.И. Фауна Узбекской ССР. Млекопитающие (хищные и копытные). Том III. – Ташкент, 1961. С. 157.

<sup>22</sup> Rapin C. [La Trésorerie du palais hellénistique d'Aï Khanoum](#). L'Apogée et la chute du royaume grec de Bactriane // Fouilles d'Aï Khanoum VIII, MDAFA XXXIII. – Paris, 1992. P. 250. Pl. 62: 4, 5, 10, 11.

<sup>23</sup> Marshall J. Taxila. An Illustrated Account of Archaeological Excavations carried out at Taxila under the orders of Government of India between the years 1913 and 1934. Vol. II. – Cambridge, 1951. P. 553. Fig. Pl. 166, No. 121-a, b, c.

<sup>24</sup> Claude Rapin, [La Trésorerie du palais hellénistique d'Aï Khanoum](#). L'Apogée et la chute du royaume grec de Bactriane, Fouilles d'Aï Khanoum VIII, MDAFA XXXIII. – Paris, 1992. P. 250, pl. 62: 12, 13.

<sup>25</sup> Радзиевская В.Е., Шрамко Б.А. Усадьба с косторезной мастерской на Бельском городище // Советская археология. № 4. – М., 1980. С. 187.

<sup>26</sup> Древности Южного Хорезма // Труды Хорезмской археолого-этнографической экспедиции. – М., 1991. С. 227. Рис. 81, 13-14.

Ҳозирча Кушонлар даври Бактрияси ёдгорликларида арра топилмаган, аммо топилган суяктарошлик буюмларидан арра кенг қўлланилганидан далолат беради. Тахминимизча, суяктарошлик ишида асосан арранинг икки тури – ёйсимон арра ва қўл арра қўлланилган.

Антик Бактриянинг суяктарошлик ишида токарлик дастгоҳларининг қўлланилиши бугунги кунда ўрганилаётган долзарб масалалардан биридир. Ҳозиргача тадқиқотчилар ушбу масалани ўрганмаган. Суяктарошлик санъати материалларини ўрганиш бизга шундай хулоса чиқариш имконини бердики, бактриялик усталар юнон-бактрия ва кушонлар даврига оид йирик ва майда буюмларни (цилиндрсимон найчаларни, пряслица, пиксад, мебель оёқларини) ясашда ёйсимон узатмали горизонтал токарлик дастгоҳидан кенг фойдаланган. Дастгоҳларда ўриндиклар ва бошқа мебеллар оёқлари ясалган, саркофагларни безаш учун марваридлар ва балюстралар, ойна туткичлари, найлар, маиший ва заргарлик тусидаги бошқа кўплаб деталларга ишлов берилган. Бундай ашёлар Ой-Хонум, Тахтисангин, Кампиртепа, Далварзинтепа ва бошқаларда топилган<sup>27</sup>. Тахминимизча, фил суягидан юқори бадий қийматга эга буюмларни ясашда елимловчи моддалардан ҳам фойдаланилган. Бунга Нисо ритонларини, шунингдек Беграм ва Тахтисангинда топилган хонтахта ва курсиларни мисол келтириш мумкин.

Антик давр Бактриясидаги суяктарошлик санъати ҳақида сўз кетганда унинг учта асосий турини ажратиш керак. Бу рельефли, ҳажмли нақш ва ўймакорлик турлари. Кушонлар даврига уччала вариант ҳам хос бўлиб, асосан ўймакорлик қўлланилган: бунда тайёр маҳсулот устига майда ўймакор нақш туширилган. Биттадан учтагача концентрик доирадан иборат циркулли нақш кенг қўлланилган. У кичкина темир икки тишли (ёки уч тишли) асбоб билан туширилган<sup>28</sup>.

Тажриба ишлари орқали бир қатор технологик усулларни тиклаш тадқиқотнинг муҳим қисми ҳисобланади. 2010 йилда суякдан ясалган буюмлар, шу жумладан, Германия фил суяги музейида (Deutsches Elfenbein Museum, Erbach)<sup>29</sup> фил суягини тайёрлаш ва қайта ишлаш усули бўйича тажриба тадқиқотлари ўтказилди. Тажрибалар давомида юқорида айтиб ўтилган барча технологик жараёнлар амалга оширилди. Йирик найчасимон суякнинг деворларидан чўзинчоқ шаклда ўйин доначалари, юқори қисми қўл панжаси шаклида бўлган соч ҳамда нина тўғноғичлари, кенг тишчали бир томонлама тароқ, узук ва тўғри бурчакли пластиналар тайёрланди.

Бу каби тажрибалар бадий безатилган буюмлар баъзи тадқиқотчилар фикрича фақат филнинг суягидан эмас, балки бошқа турдги суяклардан ҳам кесиб олиниши мумкинлигини исботлади. Шунингдек, мазкур тажрибалар натижасида у ёки бу буюмни қанча вақт ичида тайёрлаш мумкинлигини

<sup>27</sup> Арипджанов О.Ю. Использование токарных станков в косторезном деле // Моддий-маънавий мерос ва умумбашарий қадриятлар. Илмий мақолалар тўплами. 9-китоб. – Тошкент. 2017. С. 72

<sup>28</sup> Рыбаков Б.А. Ремесло древней Руси. М., 1948. С. 414.

<sup>29</sup> Тадқиқот Герда Хенкель фондининг (Германия) «Special Program Central Asia», AZ 11/ZA/09 дастури молиявий кўмаги ёрдамида бажарилган.

билиб олиш мумкин. Суяктарошлик санъатининг ярим асрдан ортиқ тарихий давр мобайнида тўпланган кўплаб турларини тизимлаштириш, таснифлаш, маданий мансублилик ва бадиий аҳамиятни аниқлаш ҳамда нақшларнинг мавзуси ва маъносини ўрганишни талаб этади. Диссертациянинг «Суяктарошлик санъати буюмларини таснифлаш ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари» номли учинчи боби айнан шу масалаларга бағишланган.

Тадқиқ қилинаётган мавзунинг биринчи бўлимида илк бор Бактриянинг антик ёдгорликларида топилган катта материал тизимлаштирилди ва умумлаштирилди. Соч тўғноғичлари, тароқ, ўйин соққаси, ўртасида тешикли айлана шаклидаги пластина каби буюмлар учун типология ишлаб чиқилмоқда ҳамда аниқ мақсадга эга бўлмаган топилма турлари ўрганилмоқда.

Бактрия ҳудудида энг кенг тарқалган суяк буюми топилмаси бу юқори қисми турли шаклга эга соч ва нина тўғноғичларидир. Юқори қисмидаги тасвирлар мавзуси бўйича тўрт гуруҳга ажратилди: антропоморф, зооморф, геометрик ва ўсимликсимон.

Антропоморф гуруҳга юқори қисми аёл қомати (1 тип) ва қўл кафти (2 тип) шаклида бўлган соч ва нина тўғноғичлари киради. Зооморф гуруҳ юқори қисмига от ва хўрознинг олди қисм тасвири туширилган соч тўғноғичларидан иборат. Геометрик гуруҳ топилмалар сони жиҳатидан энг каттаси ҳисобланади. Унда юқори қисми қошиқсимон, кўзасимон бўлган соч тўғноғичлари унинг шарсимон, ғалтаксимон ва ўртаси турли хил бўлган айланасимон узукли турлари аниқ ажратилган. Юқори қисмида ўсимлик элементлари бўлган гуруҳ икки турга бўлинган: анор меваси, кўкнори гули ёки очилаётган гулбарглар.

Мавжуд материалларнинг дастлабки таҳлили шуни кўрсатдики, топилган тароқлар шакли бўйича икки гуруҳга бўлинади: бир томонлама ва икки томонлама. Биринчи гуруҳ трапеция шаклига эга бўлиб, ўйилган, чизилган кўринишда бўлган. Иккинчиси эса тўғри бурчакли шаклда бўлиб, ўйма асосдаги тасвирга эга. Тадқиқотлардан маълум бўлдики, трапеция шаклидаги тароқлар энг кўп турга эга, лекин уларнинг қандай пайдо бўлганини аниқлаш жуда қийин. Бу шакл Кушонлар даврида ҳам мавжуд бўлган.

Суякдан ясалган ўйин доналари энг қадимги артефактлардан бўлиб, дастлаб қуръа ташлаш учун ишлатилган. Улар Тахтисангин, Сурх-Котал, Эски Термиз, Далварзинтепа, Кампиртепа, Зартепа, Хайрободтепа шаҳарчалари ва бошқа ёдгорликларда қазилган ишлари давомида топилган. Чўзинчоқ (параллелепипед) шаклдаги ўйин соққаларининг таснифи илк бор мазкур тадқиқотда ишлаб чиқилган<sup>30</sup>. Ўйин доналарининг биринчи гуруҳи параллелепипед шаклида бўлиб, икки турга бўлинган 1 дан 4 гача сон ишораларига эга. Биринчи гуруҳда сон ишоралари қушларнинг ўйилган

---

<sup>30</sup> Арипджанов О.Ю. Находки игральных костей в Средней Азии // ИМКУ. Вып. 36. – Ташкент, 2008. С. 142-148.

